

Шарҳ: Иқтисод мактабидан олинган маълумотлар асосида умумлаштирилган мазкур ахборот мактаб ҳақидаги умумий маълумотларни ўзида жамланган. Ахборотдан мактаб педагоглари, манзили, эришган ютуқлари, кўзлаган режалари ва бошқалар жой олган. Мазкур мактаб-лицейида ўқфишни ният қилган ўқувчилар барча саволларига мазкур ахборот орқали жавоб топишлари мумкин.

ИҚТИСОДИЁТГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ ВА БУ ЕРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига дадил кириб бораётган бир вақтда Халқ таълими муассасалари олдида энг долзарб бўлган вазифа келажак авлодга таълим тарбия беришнинг янгича усуллари топиб, чуқур ва пухта билим бериш, миллий қадриятларимизни қадрлаш, миллий мафкурани шакиллантириш вазифаси турибди.

Иқтисодга ихтисослаштирилган Республика мактаб(лицей)и 2002 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган. Мактаб Себзор даҳаси М-17/18 жойлашган бўлиб, телефон рақамлари: 160-51-18: 144-07-57. Айти пайтда мактабни 30 йиллик педагогик меҳнат тажрибасига эга директор Юлдуз Низомова бошқариб бормоқда.

Мактабнинг педагогик жамоасини 41 нафар олий маълумотли ўқитувчилар ташкил қилади. 2005 йилда мактаб жамоаси таълим-тарбия сифат самарадорлиги, 1997 йил сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайерлаш миллий дастури, Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари”, 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 321-сонли қарори асосида амалга оширишга йуналтирган. Бутун ўқув жараёни ДТС асосида ташкил килинган. Мактаб жамоаси олдида қўйган долзарб вазифа ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам тинимсиз ўз устида ишлаш лозимлигини кўрсатади.

2005-2006 ўқув йилида 118 ўқувчи 5-синфга ва 69 ўқувчи 10-синфга қабул қилинди Мактабда 18 синф бўлиб, уларда таълим олаётган ўқувчилар сони 635 нафар. 5-9-синфлар 15 та бўлиб, таълим олувчилар 533та, 10-11-синфлар 3 та бўлиб, 102 та ўқувчи таълим олишмоқда. Мактаб бўйича давомат 98%ни ташкил қилди, шундан 95% сабабли, 3% сабабсиз қолдирилган соатлар. Мактаб бўйича ўзлаштириш 86%ни ташкил этди.

Мактаб педагогик жамоаси тиришқоқ, ўз устида тинимсиз ишлайдиган талабчан педагоглардан иборат. Мактабда ўз иш фаолияти, педагогик тажрибаси билан бошқаларга ўрнак бўлаётган, ёш педагогларга устозлик қилиб, яқиндан ёрдам бериб келаётган педагоглар талайгина. Улардан чет тили ўқитувчиси Саидкулов З, она тили ўқитувчиси Носирова З, тарих ўқитувчиси Шоймардонов Ш, ИХТА ўқитувчиси Юлдашев Э. лар самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Мактаб ҳаётида услубий бирлашмаларнинг ўрни ва хизмати нихоятда юқори. Мактабда иш олиб бораётган 6 та услубий бирлашма ўз ютуқларини, ўқувчиларнинг билим даражаларини фан ойликларини, очик дарслар, тадбирларда яққол намоён қиладилар. Мактабнинг йиллик иш режасига асосан очик дарслар жадвали мавжуд булиб, фан ойликларида деярли ҳар бир ўқитувчи очик дарслар ўтказиб беради.

Ўқувчилар билимини юқори даражага кўтариш ўқитувчиларнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Шу сабабли дарсдан ташқари вақтларда ҳам кўшимча машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, бу ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, қобилиятларини ўстириш, билим доирасини кенгайтиришда ўз самарасини бермоқда. Масалан, мактабда “Камалак” болалар ва ўсмирлар ташкилоти ўз қошида 347 ўқувчини жамлаган бўлса, “Камолот” ЁИХ атрофида 288 нафар ёшлар жипслашган.

Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ҳақида гап кетганда, мактабда фаолият юритаётган 23 та тўғаракни алоҳида эътироф этиш лозим. 500 дан ортиқ ёшларни ўзида жамлаган мазкур тўғаракларнинг 9 таси фан (250 ўқувчи), 5 таси спорт (92 ўқувчи) ва 4 таси қизиқишлар бўйича (115 ўқувчи) тўғараклардир. Мактабдан ташқари тўғараклар сони эса 5 та бўлиб, айни пайтда 74 ўқувчи уларда иштирок этади.

Услубий бирлашмаларда фан ойликлари ўтказиш анъанага айланиб қолди. Фан ойликларини қизиқарли, эса қоларли ўтказишга ҳар бир ўқитувчи ўз хиссасини қўшиши керак. Она тили, тарих-география, математика-физика услубий бирлашмалари иш фаолияти диққатга сазовор. Лекин шу услубий бирлашмалардан ўтган йилларда орқада қолиб кетаётган чет тили услубий бирлашмасининг иши бу йилда анча яхшиланди.

Мактаб, туман миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадалари ўқувчилар билимини аниқлаб берувчи мезондир. Ҳар йили мактабда ўтказиладиган фан олимпиадаларига катта эътибор берилади.

Туман миқёсида фан олимпиадаларида қатнашиб кўпгина ўқувчиларимиз совринли ўринларни кўлга киритдилар. Масалан, 9-г-синф ўқувчиси Абдусаломов ИХТА фанидан туман олимпиадасида 2-урин, 9-синф ўқувчиси Ўткиров. А «Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш» фанидан туманда 1-ўрин, шаҳарда 3-ўринни эгаллади. 10-синф ўқувчиси Темиров. А иқтисод фанидан шаҳар олимпиадасида иштирок этди.

Ўқув жараёни билан бирга мактабда маънавий, тарбиявий ишлар ҳам яхши йулга қуйилган. Мактаб ўқувчилари туман ва шаҳар миқёсида ўтказилиб келаётган тадбирларга фаол иштирок этиб келадилар. «Яшил чирок», «Кўшик байрами» тадбирлари шулар жумласидандир. Мактабда спорт соғломлаштириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Мактаб спорт зали доимо ўқувчилар билан гавжум. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилишда, уларни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ўқитувчиси Мадаминов Отабекнинг хизматлари катта. Мактабимиз ўқувчилар жамоаси бир неча бор спорт мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритди.

Мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарлик ва унинг олдини олишга катта эътибор берилади. Бу борада «Мактаб-махалла-оила» ҳамкорлиги диққатга сазовор. Мактаб тартиб-қоидаларини бузадиган, сабабсиз дарс қолдирадиган ўқувчиларга маҳалла томонидан таъсир ўтказиши яхши натижалар бермоқда. Ўқувчилар турмуш тарзини тўғри ташкил қилиш мақсадида мактабда норколог врачлар, ИИБ ходимлари билан учрашувлар ташкил қилинди.

Мактабда амалга оширилган қатор ишлар билан бирга ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар, муаммолар мавжуд: сабабсиз дарс қолдиришларнинг олдини олиш, тўлиқ сифат ўзлаштиришга эришиш, Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Педагогик жамоа 2006 йилда ўз олдига қуйидаги вазифаларни бажаришни мақсад қилиб қуйган эди ва уларнинг бир қисмини амалда бажарди ҳам.

Ўқувчиларни Давлат Таълим Стандартларига мос чуқур ва пухта билимли, юксак маданиятли, ҳуқуқий онгли қилиб тарбиялаш, Ватанга содиқ, ота-онасига мухаббатли, миллий қадриятлар ва анъаналарга хурмат билан қарайдиган соғлом, баркамол ва етук кишиларни тарбиялашга эришиш, доимо ўз малакасини ошириб бориш юзасидан иш олиб бориш, ўз фаниниг чуқур билимдони ва етук матахассиси бўлишига эришиш, ўз фанига доир методик қўлланмаларни мунтазам кузатиб бориш, ўзаро тажриба алмашишни яхши йўлга қўйиш, ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик кўриш, дарсларни давр талабига жавоб берадиган замонавий, ноанъанавий, Давлат Таълим Стандартларига мос даражага кўтаришга эришиш, “Мактаб-махалла-оила» ҳамкорлигига катта эътибор бериш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси учун масъулиятини ошириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хусен Тангриев